
ФАРҒОНАДА “УМИД НИҲОЛЛАРИ-2022” СПОРТ МУСОБАҚАСИНИНГ ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Фарғона давлат университетининг спорт ўйингоҳида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилган “Умид ниҳоллари-2022” спорт мусобақасининг вилоят босқичида ғолиб ва совриндор бўлган 509 нафар ўқувчилар ҳамда уларнинг 51 нафар мураббийларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Спорт кечасида вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, Спортни ривожлантириш вазирининг ўринбосари Шахрилло Маҳмудов, Ўзбекистон Спорт фахрийлари Кенгаши раиси Баҳодир Махситов иштирок этдилар.

Тадбирда вилоят ҳокими кичик олимпиада номини олган “Умид ниҳоллари” спорт мусобақалари барча иштирокчилари, совриндорларни мустақиллик байрами билан самимий қутлаб, сўнги йилларда мамлакатимизда ёшларга бўлган эътибор, бошқа давлатларда бўлмаган тизим ташкил қилинганлиги, бугунги кунда ёшларимизни спортга қизиқишини орттириш, оммавий спортга кенг жалб қилиш бўйича улкан ишлар амалга оширилаётганлигини қайд этди.

“Умид ниҳоллари” спорт мусобақасининг ҳудудий босқичлари вилоятимизда юксак савияда ўтказилиб, спортнинг ўндан ортиқ тури бўйича беллашилди. Мусобақанинг мактаб босқичларида жами 515 минг нафар ўғил-қизлар куч синашиб, уларнинг 103 минг нафари шаҳар ва туман босқичларида ғолиблик учун кураш олиб бордилар. Ўтказилган ҳудудий ва вилоят финал босқичларида 2983 нафар ўқувчи иштирок этган бўлса, шундан 1200 нафарини қизлар ташкил этди.

“Умид ниҳоллари-2022” спорт мусобақасининг вилоят финал босқичида 1-ўринни эгаллаган ўқувчиларнинг ҳар бири ноутбук (166 та), 2-ўрин телевизор (166 та), 3-ўрин велосипед (177 та) ва 1-3-даражали медаль, диплом ва кубоклар, шунингдек, уларни мусобақаларга тайёрлаган ўқитувчи-мураббийлари эса спорт экипировкалари билан тақдирландилар.

Умумжамоа ҳисобида ғолибликни қўлга киритган Бешариқ тумани жамоаси Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси сифатида “Damas” русумли автомашина калитини вилоят ҳокимидан қабул қилиб олдилар.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-08-28 09:55:14